

Валижонов Акмал Рахимович

*Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг
Тадқиқотлар маркази бўлим мудури, и.ф.н.*

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақола хусусийлаштириш тушунчаси моҳиятини ва Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг бугунги босқичининг хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Унда хусусийлаштириш тушунчасига хорижий тадқиқотчилар томонидан берилган таърифлар таҳлил этилган ва ушбу тушунчага муаллифнинг илмий асосланган таърифи келтирилган. Тадқиқотда хусусийлаштиришнинг асосий мақсади ва вазифалари аниқланган. Мақолада 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда хусусийлаштириш ишлари янги босқичга кўтарилгани эътироф этилган ва унинг асосий хусусиятлари аниқланган. Ишда хусусийлаштиришнинг янги босқичининг аввалги босқичлардан фарқи ва афзал жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Мақолада мамлакатимизда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш ишларини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: назария, хусусийлаштириш, мулк, мулкдорлар, акциядорлик жамияти, устав фонди, давлат улуши, босқичлар.

A. R. Valijonov

*Research center of the State assets management agency of
the Republic of Uzbekistan*

THEORETICAL FOUNDATIONS OF PRIVATIZATION

Abstract. The article is devoted to the study of the essence of the concept of privatization and the features of the current stage of privatization in Uzbekistan. It analyzes the definition of foreign researchers of the concept of privatization and the author gives a scientifically substantiated definition of this concept. This study identifies the main goals and objectives of privatization. The article notes that a new stage of privatization began in 2017 and the features of this stage are revealed. The paper identifies the main differences and advantages of the new stage of privatization in comparison with the previous stages. The article develops proposals for the development of privatization of state property in our country.

Keywords: theory, privatization, property, owners, joint-stock company, authorized capital, state share, stages.

Кириш

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мулк муносабатларни ислоҳ қилиш, хусусий мулкни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратиш, иқтисодиётда кўп укладликни ҳамда эркин рақобат муҳитини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Шу билан бирга бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида, бир қатор йирик корхоналарда давлат иштироки юқори даражада сақланиб қолмоқда ва бу ўз навбатида хусусийлаштириш масаласи ҳамон долзарблигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти молиявий барқарор эмаслиги, таркибий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш кераклиги таъкидлаб ўтилди [1]. Давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш вазифаси асосан давлат мулки объектларини хусусийлаштириш орқали ҳал этилади. Хусусийлаштиришни самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан унинг мукамал илмий-услубий асосларини яратишга боғлиқ. Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг хусусиятларидан бири бу унинг босқичма-босқич амалга оширилишидир. 2017 йилдан бошлаб хусусийлаштириш ишлари ўзининг янги босқичига кўтарилди. Ушбу мақоланинг асосий мақсади хусусийлаштиришнинг бугунги босқичининг хусусиятларини аниқлаш ва бу жараёни янада ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи

Хусусийлаштириш назариясининг шарҳи, тушунчаси ва асослари хоржий тадқиқотчилардан А. Кавальер, С. Скарбросетти [2], хусусийлаштиришнинг корхоналарга таъсирини баҳолаш усуллари Р. Фридман [3], давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг жамиятга ва корхоналар фаолиятига таъсири А. Галалнинг Буюк Британия, Чили, Малайзия ва Мексикада ўтказган тадқиқотларида [4], хусусийлаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган бир қатор эмпирик тадқиқотлар натижаларининг таҳлили В. Полтерович [5], хусусийлаштиришнинг институтчионал назарияси О. Сухарев [6], иқтисодиётга давлатнинг таъсири катта бўлган шароитда хусусийлаштириш сиёсати масалалари А. Радыгин, Р. Энтов [7] ва бошқаларнинг илмий асарларида кўриб чиқилган. Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг хусусиятлари ва усуллари Б. Беркинов [8], 1991-2001 йиллар оралиғида хусусийлаштиришнинг таҳлили ва босқичлари И.Бутиков [9], хусусийлаштириш орқали мулкчилик ва тадбиркорликни шаклланиши масалалари Н. Хамрахуджаев [10] ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида мавзуга доир концептуал ёндашувларни илмий тадқиқ қилиш, умумлаштириш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуллари, тизимли таҳлил, қиёсий ва эксперт таҳлил ҳамда баҳолаш, монографик ўрганиш ва бошқа услубларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Хусусийлаштириш мавзуси бир неча йиллардан бери сиёсатчи, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар эътиборида бўлиб келмоқда. Бундан икки аср аввал Адам Смит давлат (қироллик) ерларини хусусийлаштиришнинг афзалликларини таҳлил этиб қуйидагиларни таъкидлаган: “Европадаги ҳар бир монархияда

қиролликка тегишли бўлган ерларни сотилиши катта миқдорда пул келтириши мумкин. ...Қироллик ерлари хусусий мулк объектига айланганидан сўнг бир неча йиллар давомида уларнинг ҳолати ва уларга ишлов бериш ишлари яхшиланади» [11].

Иқтисодий адабиётларда хусусийлаштириш тушунчасига бир қатор таърифлар келтирилган. Хусусийлаштириш – мулк муносабатларнинг ўзгариши бўлиб, унда давлат мулки объектлари жамоа, акциядорлик ва хусусий мулкчиликка ўтади [12]. Немис техник ҳамкорлик жамияти томонидан хусусийлаштириш масалалари бўйича чоп этилган нашрда хусусийлаштириш сифатида одатда, давлат корхоналарига бўлган мулк ҳуқуқини хусусий шахсларга топшириш тушунилиши таъкидланган. Кўпчилик ҳолатларда хусусийлаштириш натижасида хусусийлаштирилган корхоналарни фаол бошқара оладиган хусусий инвесторларга ўтиши назарда тутилади [13].

Хусусийлаштиришни кенг маънода талқин этадиган бўлсак, бизнинг фикримизча бу давлат мулкни хусусий мулк субъектларига оддийгина топшириш эмас. Хусусийлаштириш асосан, давлат ва жамият олдида турган маълум бир вазифаларни ҳал этиш мақсадида амалга оширилади. Бундан ташқари, хусусийлаштириш маълум шартларни, масалан, хусусийлаштирилаётган объект учун тўловни ёки ундан самарали фойдаланишни таъминлаш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларнинг бажарилишини назарда тутди.

Хусусийлаштиришнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- хусусийлаштирилаётган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- иқтисодиётда хусусий мулкка асосланган турли шаклдаги корхоналарни кўпайтириш орқали эркин рақобат муҳитини яратиш;
- жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун қўшимча маблағларни жалб этиш;
- бошқарувнинг замонавий тамойилларини ва янги технологияларни жорий этиш;
- корхонанинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш;
- давлат корхонасига субсидиялар беришни йўқ қилиш орқали давлатга молиявий юкни камайтириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хусусийлаштириш тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: хусусийлаштириш – давлат мулки бўлган объектларни улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, жамият манфаатларига хизмат қилувчи мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун хусусий мулк субъектларига маълум бир шартлар асосида мулк ҳуқуқида ўтказиб бериш.

Америкалик иқтисодчи Нобель мукофоти лауреати Кеннет Эрроу хусусийлаштиришнинг вазифаси тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: “Хусусийлаштиришнинг реал вазифаси мавжуд бўлган давлат корхоналари ва активларини хусусий мулкка оддийгина ўтказиш эмас, балки босчиқма-босқич уларни янги корхоналар ва активлар билан алмаштиришдан иборат” [14].

Хусусийлаштиришнинг олдида қўйилган вазифаларини самарали ҳал этишда иккита асосий масалага эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, давлат мулкани кимга хусусий мулк сифатида бериш. Иккинчидан, давлат мулкани қандай шартларда ва усуллар орқали бериш.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида барча ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки ҳисобланган. Шу маънода, республикада бозор ислохотларини амалга ошириш биринчи навбатда, давлат мулкани қисқартириш ва уни самарали хусусий секторга ўтказиш масалаларини ҳал этиш учун кенг кўламли хусусийлаштириш дастурларини қабул қилишни талаб этар эди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш масалаларига жаҳон тажрибаси чуқур ўрганилиб, республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш моделининг хусусиятларини эътиборга олиб ёндошилди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш босқичлари ва уларнинг хусусиятлари Бутиков И.Л., Беркинов Б.Б., Яушев Р.И. ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган. Ушбу тадқиқотчилар томонидан 1991-2003 йиллар оралиғидаги хусусийлаштириш босқичлари аниқланган [9]. 2003 йилдан кейинги даврларда хусусийлаштириш босқичларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

2003-2016 йиллар давомида хусусийлаштиришга доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили бу давр оралиғида аввал хусусийлаштирилган корхоналарда давлат улушини қисқартириш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тартибини жорий этилиши ушбу даврдаги хусусийлаштириш ишларининг асосий жиҳатлари бўлганлигини кўрсатмоқда.

2017 йилдан бугунга қадар хусусийлаштириш ишлари янги босқичга кўтарилди ва унинг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш (2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси);

аввал хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва уларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2895 сонли қарори);

хусусийлаштиришда маҳаллий хокимиятлар ваколатини кенгайтириш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933 сонли фармони ва 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067 сонли қарори);

хусусийлаштириш кўламини кенгайтириш, давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ ва трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришга

тайёрлаш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли фармони);

халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни жалб этган ҳолда давлат активларини хусусийлаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6167 сонли фармони).

Хусусийлаштиришга доир қабул қилинган фармон ва қарорларни ижроси натижасида 2017-2020 йилларда жами хусусийлаштирилган давлат активларининг миқдори 2013-2016 йиллардаги кўрсаткичдан 1,6 мартага кўпни ташкил қилди.

Сўнги йилларда давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва ислоҳ қилишга доир қабул қилинаётган ҳукумат қарорларида “корхоналарни трансформация қилиш” ибораси қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ 32 та йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмаларини трансформация қилиш назарда тутилган (1-жадвал). Улар орасида йирик хўжалик бирлашмалари, жумладан “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Ўздонмахсулот” АЖ ва бошқа хўжалик бошқарув органлари ҳам мавжуд.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020й. даги ПФ-6096 сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан ислоҳ қилиниши ва хусусийлаштирилиши назарда тутилган корхона ва объектлар

№	Чора-тадбирлар номи	Корхона ва давлат активлари сони
1.	Йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмаларини трансформация қилиш.	32
2.	Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудитни жорий этиш ва операцион самарадорликни ошириш.	39
3.	Давлат активларини хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариш.	62
4.	Давлат акция пакетлари (улушлари)ни тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиш.	479
5	Давлат кўчмас мулки объектларини хусусий секторга сотиш.	15

Таҳлиллар амалдаги қонунчилигимизда трансформацияси тушунчасига таъриф берилмаганини кўрсатмоқда. Иқтисодий адабиётларда трансформация тушунчасига таърифлар келтирилган. Трансформация бу иқтисодий фаолиятнинг таркиби, шакли, усуллари ва йўналишини ўзгартириш [15]. Иқтисодий жараёнларда трансформация тушунчасини талқин этишда иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ўзгартириш, либерализация, мулк шаклини ўзгариши каби иборалардан фойдаланадилар [16]. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиб ва назорат қилиб келинган давлат корхоналари фаолиятини либерализация қилиш ҳам уларни ислоҳ қилишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб давлат корхонасини трансформация қилиш тушунчасини қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат корхонасини трансформация қилиш бу уни бозор тамойиллари ва механизмлари асосида фаолият юритишига ўтказиш, унинг самарали ташкилий тузилмаси ва бошқарув тизимини яратиш, корхонанинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатдошлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар йиғиндисиدير.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда хусусийлаштиришнинг бугунги босқичи ўзининг кўлами кенглиги, йирик давлат корхоналари ва улушлари, банк секторининг хусусийлаштириш назарда тутилганлиги, давлат активларини сотишда маҳаллий ҳокимиятлар ваколати кенгайтирилганлиги, хусусийлаштиришнинг тартиби соддалаштирилганлиги ва янги усуллари киритилганлиги ҳамда давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилишни хусусийлаштириш билан биргаликда амалга ошириладиганлиги билан 1991-2016 йиллардаги хусусийлаштириш жараёнларидан ажралиб туради.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш ишларини янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

бугунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги йирик корхоналарда давлат улуши сақланиб қолмоқда. Улардаги давлат иштирокини қисқартириш масаласини кўриб чиқишда корхоналарни стратегик аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида корхоналарни икки гуруҳга яъни стратегик аҳамиятга эга бўлган ва эга бўлмаган корхоналарга ажратиш;

сўнги пайтларда хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқаришга доир қабул қилинаётган қарорларда давлат иштирокидаги корхоналарни “трансформация қилиш” тушунчаси ишлатилмоқда. Ушбу тушунчани амалиётда тўғри талқин қилиниши таъминлаш мақсадида унга қонунчилик орқали таъриф бериш ва унинг вазифаларини аниқ белгилаш;

давлатнинг иқтисодётдаги билвосита иштирокини қисқартириш мақсадида давлат иштирокидаги корхоналар томонидан асосиз равишда шўъба корхоналар очилишини чеклаш;

хусусийлаштириш ишларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида хусусийлаштиришнинг корхоналарга таъсирини баҳолаш бўйича эмпирик тадқиқотлар ўтказиш. Хусусийлаштириш натижасида ташкил этилган корхоналарнинг фаолиятига хусусийлаштиришнинг таъсирини мунтазам равишда таҳлил этиб бориш ушбу корхоналарни хусусийлаштиришдан қўйилган мақсадларга эришиш даражаларини аниқлаб бориш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyovning Oliy Majlisga murojaatnomasi // Halq so'zi 2020 yil 30 dekabr.
2. Cavalier Alberto and Simona Scarbrosette. Privatization and efficiency: from principals and agents to political economy //Journal of Economic Surveys, 2008, 22(4), P. 685-710.
3. Roman Frydman, Cheryl Gray, Marek Hessel, Andrzej Rapaczynski. When Does Privatization Work? The Impact of Private Ownership on Corporate Performance in the Transition Economies //The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press, 1999, vol. 114(4), P.1153-1191.
4. Galal A., Jones L., Tandon P., Vogelsang I. Welfare Consequences of Selling Public Enterprises: An Empirical Analysis. New York: Oxford University Press, 1994, 45p.
5. Polterovich V.M. Privatizatsiya i racional'naya struktura sobstvennosti –M.: Institut ekonomiki RAN, 2012.-66s.
6. Suharev O.S. Institucional'naya teoriya privatizatsii – nacionalizatsiya aktivov //Jurnal institucional'nyh issledovaniy 2015, tom 7, №1, s.59-78.
7. Radygin A.D., Entov R.M., Mal'ginov G.N., Il'yasova G.U., Abramov A.E., Simachev YU.V., Kuzyk M.G., Shmeleva N.A. Privatizatsiya v sovremennom mire: teoriya, empirika, novoe izmerenie dlya Rossii: v 2 t. / nauch. red. A.D. Radygin. – M.: RANHiGS, 2014. – 462 s.
8. Berkinov B.B. Novye sposoby privatizatsii gosudarstvennoj sobstvennosti i ochenka ih effektivnosti. // Jurnal «Ekonomika i klass sobstvennikov». – Tashkent, 2004. – №3. – S. 21-26.
9. Institucional'nye osnovy formirovaniya mnogoukladnoj ekonomiki: kollektivnaya monografiya. / Pod obshch. red. I.L.Butikova. - Tashkent: Konsauditinform, 2002. – 272s.
10. Khamrakhudzhayev N.. Xususiy lashtirishning mulkchilik shakllarini rivojlanishidagi o'rnini va ahamiyati. // Xususiy mulkchilik va tadbirkorlikni rivojlantirish: erishilgan yutuqlar, muammolar va echimlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumanining tezislari to'plami. - Toshkent, TDIU, 2011. – S. 14-16.
11. Smit A. Issledovanie o prirode i prichinah bogatstva narodov.-M.: Eksmo, 2016. - 1056s.
12. Vekchanov G.S., Vekchanova G.R. Kratkaya ekonomicheskaya enciklopediya. Spb., TOO TK «Petropolis», 1998. st. 49.

13. Privatizatsiya: opyt Germanii i stran s reformiruemoy ekonomikoj Central'noj i Vostochnoj Evropy. Nemeckoe obshchestva po tekhnicheskomu sotrudnichestvu (GTZ), Eshborn 1999. -218s.

14. Arrow K. Economic Transition: Speed and Scope. “Journal of Institutional and Theoretical Economics”/ Vol.156, 2000, P.16.

15. Rayzberg B.A., Lozovskiy L.Sh., Starodubtseva E.B. Sovremenniy ekonomicheskij slovar. – M.: "INFRA-M", 1997. – 496 s.

16. Xuzina G.G. Sutshnost transformatsionnogo prosessa v ekonomicheskoy sisteme// Problemi sovermennoy ekonomiki, №4(36), 2010. s.61-65.